

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг
Қашқадарё вилояти бошқармаси тасарруфидаги бино ва иншоотларда амалга
оширилган қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш бўйича**

ТЕХНИК ШАРТ

| | | |
|----|--|--|
| 1. | Хизматлар рўйхати: | СЭО ва ЖСХ Қашқадарё вилояти бошқармасида бино ва иншоотларда бажарилган қурилиш-монтаж ишларини ўрнатилган тартибда банк назорат ўлчовидан ўтказиш |
| 2. | Объект номи: | СЭО ва ЖСХ Қашқадарё вилояти бошқармасида тасарруфидаги бино ва иншоотларда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари |
| 3. | Объект жойлашган манзил: | Қашқадарё вилояти Карши шаҳар А.Темур кучаси 74-уй |
| 4. | Буюртмачи: | СЭО ва ЖСХ Қашқадарё вилояти бошқармасида |
| 5. | Молиялаштириш манбаи: | Жарима маблаг |
| 6. | Қурилиш-монтаж ишларининг қиймати: | Объектда амалда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг қиймати Эллик миллион. <i>(КҚСни ҳисобга олинмаган ҳолда)</i> |
| 7. | Объектда тугалланган қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказишга қўйиладиган талаблар: | <p>1. Объектда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларининг амалда бажарилган қиймати ва бажарилган иш учун тўланган ва тақдим этилган нархларни текшириш.</p> <p>2. Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган хусусиятларига ва мақсадларига мувофиқлигини текшириш.</p> <p>3. Қабул қилиш актларида кўрсатиб ўтилган ҳажмларни амалда бажарилганлигини ва объектни фойдаланишга тайёрлигини аниқлаш.</p> <p>4. Объектда ишлатилган қурилиш материаллари ва буюмларнинг яширин иш далолатномалари, ижро чизмалари, муаллифлик назорати журнали ва юк хатларида келтирилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш.</p> <p>5. Назорат ўлчовини техник хавфсизлик талабларига катъий риоя қилинган ҳолда амалга ошириш.</p> <p>6. Назорат ўлчовини тўғридан-тўғри объектга ташриф буюриш ва ўлчов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш.</p> <p>7. Қурилиш-монтаж ишларининг назорат ўлчовини амалга оширишда қурилиш соҳасидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг меъёрий ҳужжатларидан фойдаланиш.</p> |
| 8. | Ижрочи ва ижрочининг ходимларига қўйиладиган талаблар: | <p>1. Тендерга тақдим этилган объектга ўхшаш қурилиш-монтаж ишларида назорат ўлчовларини ўтказиш соҳасида камида 10 йиллик тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши лозим.</p> <p>2. Назорат ўлчовини таркибида камида 35 нафар олий маълумотли ва юқори касбий маҳоратга эга бўлган,</p> |

| | | |
|-----|---|---|
| | | қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича етарли кўникмаларга эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши лозим. (мутахассислар тўғрисида маълумот кўрсатилиши лозим). |
| 9. | Хужжатлар таркиби (буюртмачи томонидан тақдим этилади): | Лойиха-смета хужжатлари (ПСД), бажарилган ишлар далолатномалари, таккослаш варақаси ва ташкилотнинг талабларига биноан назорат ўлчовларини амалга ошириш учун бошқа хужжатлар. |
| 10. | Объектда назорат ўлчовини ўтказиш муддати: | Олдиндан тўлов (бўнак) амалга оширилган кундан бошлаб 40 календарь куни. |
| 11. | Ишларни тугатганда ва топшираётганда буюртмачига тақдим этиладиган хужжатлар: | Объектда назорат ўлчовини ўтказилгани бўйича тайёрланган хулоса, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура. |
| 12. | Назорат ўлчови бўйича тайёрланган хулосага қўйиладиган талаблар: | <p>Назорат ўлчовлари натижалари бўйича тақдим этиладиган хулосага қуйидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тугалланган қурилиш-монтаж ишлари тўғрисида ҳисобот; - тугалланган қурилиш-монтаж ишларини фотосуратлари; - тугалланган қурилиш-монтаж ишларини асбоб-ускуналар воситасида ўлчаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар; - амалда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ҳисоблаш; - амалага оширилган ишларнинг лойиха-смета хужжатларига мувофиқлигини баҳолаш; - қурилиш-монтаж ишлари пудратчиси томонидан тақдим этилган ижро хужжатлари сифатини, унга шарҳларни кўрсатган ҳолда баҳолаш; - смета нормативлари асосида шартнома, лойиха ва ижро хужжатларида келтирилган ҳақиқатда бажарилган ишларни баҳолаш; - смета нормативлари асосида шартнома ва лойиха хужжатларида келтирилган ишларни баҳолаш. |

Провизор

Бактериология лаб мудир

Иммунопрофилактика бўлим мудир

Эпидемиология бўлим мудир

Бошкарма бошлиғи ўринбосари

Бошкарма бошлиғи

 Т.Нодиров

 Б.Эшонкулов

 Б.Бобоев

 Ш.Қодирова

 О.Аминов

 Т.Пакиров

